

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

БУХОРО ВОҲАСИГА ТУРКМАН УРУҒЛАРИ ЖОЙЛАШУВИ ТАРИХИГА ДОИР

Тўраев Анвар Исмоилович,

Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

For citation: Anvar I.To'rayev. On the history of the location of the Turkmen tribes in the Bukhara oasis. 2019, vol. 1, issue 12, pp. 91-98.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-12-11>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухоро воҳасига туркманларнинг жойлашуви ва-воҳа бўйлаб тарқалиш масалалари тарихий-этнографик таҳлил асосида тадқиқ қилинган. Туркманларнинг хўжалик фаолияти, машғулоти атрофлича ёритилган. Туркман уруғларининг Бухоро воҳасига кириб жойлашуви бир меъёردа кечмаганлиги ва бу жараён узок давом этганлиги илмий очиб берилган.

Калит сўзлар: туркманлар, Бухоро воҳаси, этнос, Амударё, Каспий бўйи, эрсари туркманлари, баёт туркмани, теке, ёвмут, ата, темирчилик, эгар, тақа яшаш.

К ИСТОРИИ РАСПОЛОЖЕНИЕ ТУРКМЕНСКИХ ПЛЕМЁН В БУХАРСКИЙ ОАЗИС

Тураев Анвар Исмаилович,

Бухарский государственный университет
переподователь кафедры Всемирная история

АННОТАЦИЯ

В этой статье исследовано историческо-этнографический анализ рас-положение и распространение туркменов в Бухарском оазисе. Всесто-ронно освещены хозяйственные аспекты и деятельности туркменов.- Научно установлено, что распространение туркменских семян в Бу-харском оазисе было нерегулярным и процесс этот был длительным.

Ключовые слова: туркмены, Бухарский оазис, этнос, Амударья, побережья Каспи, туркмены эрсары, туркмены баят, теке, явмут, ата, кузнец, седло, подковник, подкова.

ON THE HISTORY OF THE LOCATION OF THE TURKMEN TRIBES IN THE BUKHARA OASIS

Anvar I. Turayev,

A teacher of division of history of the world

ANNOTATION

The article deals with Research on the issues of locafion of the Turkmens in Bukhara oasis and their dissemination in the region based on the historic-etnographic analyses. It has been scientifically established that the distribution of Turkmen seeds in the Bukhara oasis was irregular and this process was lengthy.

Key words: turkmens, Bukhara oasis, ethnos, the Amudarya river, Caspian coast, Ersjri Turkmens, Bayot Turkmens, Teke, Yavmut, Ata tribes, blacksmith, saddle, horse-shoe moking.

Ҳар бир шахс оилавий шажараси тарихини, қавми, аждодлари, элат ва уруғини билишга, ўрганишга интилади. Бугунги кунда туркий қавм ва қабилаларнинг этно-тарихий жараёнларини ўрганишни давр тақазо қилмоқда. Маълумки, ҳар бир қабила, уруғ давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида маълум даражада ўз ўрнига эга бўлиб, уларнинг ёрдамисиз ҳукмрон сулолалар ҳам ўз сиёсий ва иқтисодий тараққиётига эришуви қийин кечар эди.

Ушбу мақолада Бухоро воҳаси ҳудудига туркман уруғ ва қабилаларининг тарқалиши, воҳа бўйлаб жойлашувига оид масалалар хусусида имкон қадар фикр юритилади.

Этнограф олимлар Дониёров А.Х., Бўриев О., Аширов А.А. таъкидлашича, туркманлар этногенези шаклланишида маҳаллий даҳ-массагетлар, шунингдек сарматлар, алан қабилалари, қисман қадимги Марғиёна, Парфия ва Хоразм давлатлари халқлари иштирок этган.

Биринчи минг йиллик ўрталарида Каспий бўйи чўлларида туркий қабилалар, IX асрларда эса ўғузлар пайдо бўлган. Улар XI асрда шимолий-шарқдан келишади ва маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетади, яъни туркманлар этногенезида муҳим ўрин тутаяди. XIV-XV асрларда Каспий денгизи атрофлари, Манғишлоқ ярим ороли, Сарикамиш кўли, Қорақум, Хоразмнинг ғарби ва шимолий чегараларигача бўлган ҳудудларда, туркманлар яшайди. XV асрга келиб, туркман халқининг шаклланиш даври ниҳоясига етади, аммо уруғ ажратиш сақланиб қолган. Чунончи, уруғларнинг йириклари: теке, ёвмут, эрсари, салир, сариқ, гёккан ва човдур ҳисобланади[5, Б.147].

Туркманлар воҳа бўйлаб тарқалиб кетган бўлса ҳам, лекин биз уларнинг зич бўлиб яшайдиган ҳудудларни аниқладик ва уларга шартли равишда “Олот тумани туркманлари”, “Қоракўл тумани туркманлари”, “Галаосиё тумани туркманлари”, “Ромитан тумани туркманлари” ва “Қоровулбозор тумани туркманлари” деб ном бердик. Чунки бу туманларни саназдан мақсадимиз боиси туркманлар сон ва кўлами жиҳатидан кўп сонлидир.

Аслида туркманларнинг этник гуруҳлари икки йирик ҳудуд бўйлаб тарқалган бўлиб, у ердаги туркманларнинг аҳолисининг сони деярли тенг ҳисобланган.

Биринчи ҳудуд, Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудлари, яъни Қорақалпоғистонда ва Хоразм вилоятида;

Жанубий, гуруҳни Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхандарё, Тошкент вилоятлари ташкил қилган.

Ўзбекистон жанубида истиқомат қилган туркманларни нуроталик туркманлар (Нуроталиклар) деб аташ қабул қилинган. Гарчи улар жойлашган ҳудудлар ушбу туман чегараларидан узоқда бўлсада, (Навоий вилояти Нурота тумани назарда тутиляпти) ўз даврида ушбу ҳудудда Нурота беклиги жойлашган бўлиб, маъмурий жиҳатдан Бухоро амирлиги таркибига кирган[10, Б.214].

Нуротага туркманлар Сирдарёдан кўчиб келишган. IX-X асрлардан эса улар Нуротадан бошқа туманларга ҳаракатланиши, тарқалиши бошланган.

Бир неча қабилалар Ўрта Амударёдан аста-секин жанубга —Ўзбекистон туманларига кетишган, сўнг токи Ўратепагача бўлган ҳудудда жойлашишган. Айниқса, ушбу гуруҳлар ичида эрсари (ерсарали) қабиласи кўпчиликти ташкил қилган. Туркман эрсарилари қабиласи XVII аср охирида манғишлоқдан Бухорога келиб, XIX аср ва XX аср бошларида Зарафшоннинг қуйи оқимида кўчишган. XIX аср бошларида улар Бухоро амирлигига итоаткорлик билдирганлар[1, Б.2].

XIX асрнинг 40-80 йиларида туркман қабилаларидан йириги теке-лар Мирғоб ҳавзаси ва Тажанда, ёмут (ёвут)лар Каспий бўйларида ва Хива хонлигида, эрсарилар Амударё водийсида, салирлар, сариқлар, гўклан, човдирлар Хива хонлигида биргаликда яшашган[2, Б.293].

Амударёнинг чап соҳилидаги ерларда XIX асрнинг ўрталарида Тўрткўл раёнига туркман қабилаларининг “ата” гуруҳи кўчиб келиб, улар Туркманистоннинг жануби-ғарбий ҳудудлардан келганлар. Бухоро воҳаси Ромитон туманига эса Тажангдан туркман-қимоқ (кимаки) қабиласи келиб жойлашган. Уларнинг бир қанчаси ўзининг моддий-маданий хусусиятларини сақлаб қолган бўлсада, ўзбеклар билан қўшилиш (консолидация) маданиятлараро жараёни бошидан кечирган.

Галаосиё туркманлари эса ўз моҳиятини, этник мансублигини, ўрнини сақлаб қолган. У ерда мавжуд бўлган эрсари, баёт, саят, қарабек (қарабек), карки (керки) қабилалари Туркманистоннинг Чоржўй туманидан кўчиб келишган[10, Б.215].

Манбаларнинг қайд этишича, бир нечта туркман қабилалари (балтлар, хидирэли, салирлар) нинг Хива хонлигидан мажбурий кўчирилиши Бухоро амирлигида кам ўзлаштирилиб, обод қилинмаган туманларга асосан, ерлардан фойдаланиш даражаси паст ва ирригация иншоотлари билан таминланмаган ҳудудларга кўчирилган.

Демак, туркманлар воҳа бўйлаб тарқалишлари бир меъёрда кечмаган. Маълум бир ҳудуддан бошқа ҳудудларга кўчиб ўтишда кўпроқ иқтисодий, сиёсий омиллар устун турган десак хато бўлмайди. Чунончи туркманларнинг Амударё бўйларида деҳқончилик қилишлари жуда осон бўлганлиги, жангу-жадаллар, келишмовчиликлар ва бошқа сабаблар оқибатида кўчганлар.

Шунингдек, туркманлар ўз даврида ён-атрофида яшаб, истиқомат қилиб келган ўзбек ва бошқа миллат вакиллари билан аҳил, иноқ ҳолда яшаганликларини эътироф қилиб ўтишимиз жоиз.

Бухоро хонлигида яшаган туркманлар ўзбеклардан фарқли ўлароқ, ўзининг қадди-қомати ва кенг юзлиги билан ажралиб турганлиги боис кўпроқ қарлуқларга ўхшаб кетади. Хонликда туркман қабилалари ичида энг кучлиси теке қабиласи ҳисобланиб уларнинг барчаси кўчманчи ҳаёт тарзини бошдан кечириб, Амударёнинг чап қирғоғи, Қаршидан то Хива чегараларигача бўлган ҳудудларда яшашни ўзларига маъқул кўришганлар .

Бухоро воҳаси Қорақўл, Олот, Ромитан туманларига ҳам турли даврларда туркман уруғлари кириб келган. Уларнинг таркибида қуйидаги уруғлар: чандир, хидирэли, ота, човдур, қоравул, эрсари, теке,

дужежи, қарқин, мукрилар анчагина эди. 1971 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, туркман уруғлари умумий сони 6 минг кишидан ортиқроқ бўлган. Статистик маълумотларга асосланиб, 1990-йилларда туркманлар Бухоро вилоятининг Бухоро туманидаги Янги турмуш маҳалла фуқаролар йиғини, Когон тумани ҳамда Навоий ва Когон шаҳарлари ҳудудларида истиқомат қилганлиги аниқланган[9,Б.6].

Ўз даврида этнограф Г.И. Карпов йиғган дала маълумотлари асосида Бухоро воҳасида яшаётган туркманларнинг ёвмут ва эрсари уруғлари анчагина эканлигини аниқлаган[9,Б.13]. Қоракўл ва Олот туманларида яшовчи туркманлар (чандир, човдур, хидирэли, қорқин, қоровул) Туркманистоннинг ҳозирги Қора-қалин ва Ильялинский туманларидан кўчиб келиб жойлашганлиги ва Ромитан туманида яшаётган туркманларнинг ота уруғи ўз аجدодлари келиб чиқишини Фарбий Туркманистондаги Катта Болхон тоғлари атрофидан деб ҳисоблашиши фанда маълум[9,Б.8].

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги Чандир, Саёт, Қоровул, Олот туманидаги Баёт ва Эрсари номли қишлоқлар номи ҳам шу уруғларнинг кириб келиб, ушбу ҳудудларда яшаб қолганидан гувоҳлик беради. Чандир дарёси ва унинг бўйида яшовчи этник уруғлар билан юқорида қайд этилган туркман уруғлари узвий алоқада бўлганлиги фанда аниқланган.

Баёт - ўғуз туркман қабилалардан бири, улар XIX асрнинг 20-йилларида Наразим ва Қоракўл районларига кўчиб келганлар. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича туркманларнинг чандир, хидирэли, эски, қарқин, қоровул каби уруғлари XVI-XVII асрларда Сарикқамиш ва Ўзбой бўйларида яшаганлар. XVIII аср ўрталарида эса уларнинг бир қисми Бухоро воҳасининг Қоракўл атрофига келиб жойлашади.

Т.П.Васильева ҳамда Я.Р.Винниковлар ўзларининг дала тадқиқотлари асосида, қоракўллик хидирэлилар ҳақидаги баъзи маълумотларни келтирганлар. Туркманларнинг сўзларига қараганда туркман уруғлари Бухоро амирлигига (Ҳозирги Денов тумани ҳудудларига) кўчиб келганлар. Бухоро амири уларнинг бир қисмини Қоракўл атрофларига жойлаштирган. Қолган бир қисмини эса (асосан чандирларни) ҳозирги Денов туманига кўчиртирган. Шу сабабдан қоракўллик чандирлар билан деновлик чандирлар орасида қариндошлик ришталари мустаҳкам. Шундай тарзда чандир, хидирэли, қорқин мукри, қоровул сингари туркман уруғлари Бухоро ҳудудига кенг тарқалганлар[3,Б.35].

Қорақўллик кекса оқсоқоллардан Жўра бобонинг таъкидлашича, туркманлар бу ҳудудларга Чингизхон (1155-1227йй.) ва Амир Темур (1336-1405 йй.) даврларида келиб қолганлар [4].

Туркман уруғлари бу ҳудудларга XIII асрдан ҳам олдинроқ келганликлари манбаларда баён этилган.

Ўзбекистон тарихи саҳифаларида XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг умумий майдони 200 минг кв. километр бўлиб, унда тахминан уч миллион киши истиқомат қилган. Туркманлар эса амирликда аҳоли умумий сонининг ўн фоизини ташкил қилган[6,Б.135]. Бугунги кунда улар ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар ва бошқа халқлар билан елкама-елка яшаб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб, кўп миллатли давлатимизнинг равнақига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

2018 йил ёз ойларида олиб борилган дала тадқиқотлари натижасида бугунги кунда Қорақўл ва Олот тумани қишлоқларидаги аҳолининг катта қисмини туркман уруғлари ташкил қилиши аён бўлди.

Қорақўл тумани (ҳозирги Олот тумани билан биргаликда) Бухородан 75 км жануби-ғарбда жойлашган. У жанубда Туркманистоннинг Фароб райони (ҳозирги Туркманобод), жануби-шарқда эса Қашқадарё билан чегарадош. Қорақўл атамаси VII аср турк ёдгорликларида учрайди[8,Б.11]. Бу туман ҳудудида қадимги замонларда жуда кўп кўллар бўлиб, маҳаллий аҳоли овчилик ва балиқчилик билан шуғулланган. Шунинг учун ҳозирга вақтда кўл сўзи билан боғлиқ бир қатор гидронимлар сақланган. Булар: Мохон кўл (балиқкўл), Чуқур кўл (чуқур кўл), Гечи гиран кўл (эчкилар ўлган кўллар) ва ҳоказо[11,Б.128].

Туркман човдурлар Қорақўл туманидаги Жума-Бозор қишлоғида яшайдилар. Туркманларнинг кам сонли вакиллари қоровул, қарқин, мукри сингари уруғ- қабила гуруҳлари Денов, Пахтакор қишлоқлари ва Олот посёлкасида истиқомат қиладилар. Юқорида номлари санаб ўтилган ҳудудлар бугунги кунда Олот тумани таркибига киради[9,10].

Бугунги кунда туркманларнинг чандир ва хидирэли уруғи вакиллари катта қисми Олот туманига қарашли Чандир қишлоғидаги Шарқ юлдузи ва Охунбобоев маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудида яшайдилар. Тилшунос А. Шихиев бу гуруҳ вакиллари умумий сони беш мингга яқинлигини қайд этади[9,Б.11].

Бухоро воҳасида истиқомат қилиб келган туркманлар хўжаликнинг турли жабҳаларида фаолият олиб борганлар.

Марвдан унча узоқ бўлмаган далаларни ўзлаштираётганларда, бу ерларни ўзлари учун кам деб билганлар. Бу шундан далолат берадики, туркман деҳқонлари кўпчиликини ташкил қилган. Улар қирғизлардек

бой эмас, чорва моллари ва отлари кўп бўлмаган. Кўпи билан олтмишта отга эга бўлса ҳам, бу отлар қирғизларникидан қимматроқ турган. Туркман сардорлари ўзларини бек деб атаганлар ва ушур, закот солиғини Бухоро хонлигига доимий тўлаб келганлар. Улар ушбу солиқларни тўлаш асносида қайсидир ҳукмдорга қарам эканликларини ҳис қилганлар.

Туркман қабилалари Бухорони тез кучли ҳаракатланадиган арғумоқ отлар билан тامينлаб турганлар. Ҳар эрталаб амалдорлар хонни кутиб олиш учун чиққанларида Бухоро қароргоҳи дарвозаси олдида эгарланган 30 тагача ажойиб отларни кўриш мумкин бўлган. Уларнинг ҳар бирини 800 рублдан 2500 рублгача баҳолаганлар. Туркман қабилалари кўп чорва молларига эгалик қилганликлари туфайли Бухорони чорва ёғ билан ҳам тامينлаб турганлар[7,Б.92].

Туркманлар Бухоро аҳолисига йўл-йўл рангдаги эгар-жабдуқ, гиламлар, туя пўстидан тикилган чарм маҳсулотлари, кийим-кечак ва ипак матоларни келтириб сотишганлар.

Бухоро амирлиги даврида ҳам туркман гуруҳлари сезиларли даражада кўпчиликини ташкил этган. Уларнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган. Туркман қабилаларининг асосий машғулоти чорвачилик ҳисобланган. Шу билан бир қаторда терига ишлов бериш, жун таёрлаш, гиламчилик ҳамда гулдор-нақшли намат (кигиз) тайёрлаш, палос, жунли кийимлар тўқишни касб этганлар. Ўтроқлашган эрсарилар эса деҳқончилик ва темирчилик эгар, тақа ясаш ҳунарини пухта эгаллаганлар.

Умуман олганда, Қуйи Зарафшон ҳудудларида яшаган туркман қавмлари деҳқончилик, чорвачилик ва уй ҳунармандчилиги билан банд бўлганлар десак, хато бўлмайди.

Демак, ўрганилган манбалар ва дала тадқиқотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, туркман уруғларининг Бухоро воҳасига кириб жойлашуви бир меъёрда кечмаган ва бу жараён узоқ давом этган. Келажакда ушбу жараённи тарихий-этнографик ва илмий нуқтаи-назардан ўрганиш мутахассислар зиммасида, албатта. Чунки узоқ замонлардан ҳозиргача Бухоро воҳаси халқлари билан туркманларнинг умргузаронлик қилиб келиш масаласи этнология фанида ечими кутилаётган муҳим мавзудир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Арминий Вамбери. Путешествие по Средней Азии. Перевод Голубевой З.Д.—Москва: Восточная литература, 2003. — 100с. (Arminiy Vamberi. —Москва: Traveling in Central Asia. Translation Golubeva Z.

D.Vostochnaya literatura, 2003.-100p).

2. Ashirov A.A. Etnologiya. –Тошкент: Yangi nashr, 2014. – 200 б. (Ashirov A.A. Ethnology. –Tashkent: Yangi nashr, 2014. - 200 p.)

3. Винников.Я.Р.Хозяйство, культура и быт сельского населения Туркменской ССР. - Москва, 1969. (Vinnikov.Ya R. Economy, culture and life of the rural population of the Turkmen SSR. - Moscow, 1969).

4. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Қорақўл туман, 2018 йил, август. (Field Records. Bukhara region, Karakul region, August 2018).

5. Дониёров А.Х., Бўриев О., Аширов А. А. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. –Тошкент: Янги нашр, 2011. (Doniyorov A.X., Bo'riyev O., Ashirov A.A. Ethnography, ethnogenesis and ethnic history of the peoples of Central Asia. – Тошкент: Yangi nashr, 2011).

6. История Узбекистана. Т-1.Кв.2. –Тошкент, 1956. (History of Uzbekistan. Т-1.Кв.2. – Tashkent, 1956).

7. Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурка и Бухару. Перевод Бетгара Е.К. – Москва: Наука, 1975.(Mejendorf E.K. Travel from Orenburg and Bukhara. Perevod Betgara E.K. M.Nauka 1975).

8. Хасанов Х. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент, 1965. (Hasanov X . From the history of place names in Central Asia. – Toshkent, 1965).

9. Шихиев. А. Туркменские говоры Бухарской области. – Нукус: Билим, 1996.(ShixiyevA. Turkmen dialects of Bukhara region. – Nukus: Bilim, 1996).

10. Этнический атлас Узбекистана. Фонд содействия-Узбекистана, 2002. (Ethnic Atlas of Uzbekistan. Assistance Fund-Uzbekistan, 2002).

11. Фуломов Я. Ф. Қорақўлнинг узоқ ўтмишидан. Бухоро ҳақиқати, 28 июл, 1964 йил, № 128. (G'ulomov Ya.G'. Из давнего прошлого Каракуля. Вухоро haqiqati, 28 iyul 1964, № 128).